

ДЕБОЧАЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ ХУСУСИДА

Каримова Фарида,
НамДУ доценти, филология
фанлари доктори

Аннотация. Мақолада Шарқ адабиётидаги, хусусан, Алишер Навоий дебочаларининг ўрганилиш тарихи ҳақида фикр юритилган. Унда дебочаларнинг шоирлар ҳаёти ва ижодини ёритишдаги ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Девон, дебоча, адабий манба, дебочалар тадқиқи, дебочалардаги масалалар кўлами, Алишер Навоий дебочалари.

Annotatsiya. The article analyzes the history of the study of Alisher Nawai's prefaces in Oriental literature. Especially, the role of prefaces in describing the life and work of poets is described in detail.

Keywords: divan, preface, literary source, study of prefaces, scale of problems in prefaces, Alisher Nawai's prefaces.

Аннотация. В статье проанализирована история изучения предисловий Алишера Наваи в Восточной литературе. В особенности, подробно описана роль предисловий в описании жизни и творчества поэтов.

Ключевые слова: диван, предисловие, литературный источник, изучение предисловий, масштаб проблем в предисловиях, предисловия Алишера Наваи.

Жаҳон адабиётшунослигида шоиру алломаларнинг ҳаёт ва ижод йўлларини манбалар асосида ўрганиш, маълумотларни тўплаш, уларнинг адабиёт тарихидаги ўрнини белгилаш энг муҳим масалалардан биридир. Ижодкорларнинг ҳаёт ва ижод йўллари ҳақида маълумот берувчи ишончли манба эса, аввало, уларнинг ўз асарларидир. Девонларга ёзилган дебочалар ана шундай муҳим манбалар қаторида алоҳида аҳамиятга эга.

Шарқ халқлари адабиётида девонларга ва бошқа турдаги асарларга дебочалар битилган. Дебочаларнинг илк намуналари форс-тожик адабиётининг Ҳаким Саной, Фахриддин Ироқий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий каби вакиллари ижодида учрайди. Алишер Навоий бу соҳадаги тажрибаларни чуқур ўрганди, уларга ижодий муносабатда бўлди ва ўз девонларини ажойиб дебочалар билан безаб, дебочанависликни такомиллаштирди. Бугунги адабиётшунослик доирасида Шарқ мумтоз адиблари ҳаёти ва ижодини, асарлари поэтикасини ёритишда дебочалар ва уларнинг илмий-адабий аҳамиятини тадқиқ этиш энг долзарб масалалардан биридир.

Дебоча генезиси ва поэтикасини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари олимлари томонидан олиб борилмоқда. Хусусан, Ҳиндистондаги Алигарх Муслим университети профессори Муҳаммад Ҳабибнинг Амир Хусрав Дехлавий ҳаёти ва ижоди, шеърий ва насрий меросини ўрганишга бағишланган

тадқиқоти мавжуд. Унда муаллиф шоир девонларидаги турли жанрда яратилган шеърларни алоҳида бўлимда ўрганган. Девон дебочаларини эса Хусрав Дехлавий асарлари қаторида санаб кўрсатган¹.

Ҳинд олими Муҳаммад Воҳид Мирзо девон дебочасининг Хусрав Дехлавий ҳаёт ва ижод йўлини ўрганишдаги аҳамиятига тўхталган².

Тожиқ олими Аълохон Афсаҳзод Абдурахмон Жомий девонларининг илмий-танқидий матнини тайёрлашдек заҳматли ишни амалга оширган. Олим Тожикистон, Афғонистон, Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия, Россия ва бошқа хориж давлатлари кутубхоналари қўлғезмалар фондларида сақланаётган шоир девонларининг ўнлаб нусхаларини тадқиқ этади, улар орасидан энг ишончли деб топилган 9 та нусхани объект сифатида танлаб олади. Мазкур нусхалар асосида шоир девонларига ёзилган дебочалар ва мумтоз шеърининг 11 та жанридаги шеърларни синчковлик билан қиёслаб, девонларнинг нисбатан мукамал илмий-танқидий матнларини яратади³. М.Бақоев эса Хусрав Дехлавий адабий мероси, хусусан, девонлари ва уларнинг қўлғезма нусхалари, тузилиши, жанр хусусиятларини таҳлил қилган⁴. Сабоҳуддин Абдурахмон Хусрав Дехлавий “Тухфат ус-сиғар” девонининг тартиб берилиши ҳақида тўхталиб, дебочада девонларнинг яратилиш тарихи ҳақида муҳим маълумотлар берилишини таъкидлаб ўтади⁵.

Турк олими Муҳаммад Нур Дўған Муҳаммад Фузулий форсий девонининг дебочаси хусусида фикр юритган бўлса,⁶ Таҳир Узғўр дебоча калимаси, дебочанинг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот беради. Олим Аҳмад Поша, Алишер Навоий, Нежатий, Реваний, Жалолзода Солиҳ Чалабий, Фузулий, Ташлисали Яҳё Бей, Мисалий, Синаний, Сидки Паша каби қирққа яқин шоирлар девонларига ёзилган дебочалар матни ва уларнинг табдилларини мисол тариқасида келтиради⁷. Озар олими А.Халилов дебочаларни бадиий муқаддималарнинг турларидан бири сифатида ўрганган⁸. С.Болтабоев эса Алишер Навоий девонлари дебочаларининг матнлари ва

¹ Mohammed Habib. Hazrat Amir Khusrau of Delhi. –Delhi, 2007. – Б.95.

² Mohammed Wahid Mirza. The life and works of Amir Xusrau. –Calcutta, 1935. [https://tg.wikipedia.org/wiki/Хусрави Дехлавий](https://tg.wikipedia.org/wiki/Хусрави_Дехлавий)

³ Аълохон Афсаҳзод. Проблема литературного и научного наследия Абд ар-Рахмана Джами. / Абдаррахман Джами. Три дивана. Второй и третий диван. Критический текст.. – Москва: Наука, ГРВЛ, 1980,

⁴ Бақоев М. Ҳаёт ва эҷодиёти Хусрави Дехлавий. – Душанбе: Дониш, 1975.

⁵ Appreciative Study of Variagatedness of Amur Khusrau's Poetry. / Life, times and works of Amir Khusrau Dehlavi. Edited by Zoe Ansari. –New Delhi: National Amir Khusrau Society. 1975.

⁶ Muhammet Nur Doğan. Fuzulî'nin poetikası. –Istanbul: Ötüken neşriyat A.Ş., 2022. 117-120 с.

⁷ Tahir Üzgör. Türkçe Dîvân dîbâceleri. –Ankara: Kültür Bakanlığı, 1990. -566 с.

⁸ Xəlilov Araz Vaqif oğlu. Klassik Azərbaycan poeziyasında bədii muqəddimə (dibaçə, saqınamə, kitabın yazılma səbəbi). Filologiya elmləri namizədi diss. avtoref. –Baki: 2006.

уларнинг усмонли турк тилидаги табдили келтирилган китоб нашр этган ҳамда унга муфассал луғат илова қилган⁹.

Ўзбек адабиёти тарихи масалаларини ўрганишга бағишланган бир қатор тадқиқот ва мақолаларда ўзбек адабиётидаги дебочалар ва уларда қўйилган айрим масалалар ҳақида турли фикр-мулоҳазалар билдирилган¹⁰.

Фан тарихида ўзбек адабиётидаги Алишер Навоий дебочалари ва уларда қўйилган масалалар тўғрисида биринчи марта фикр билдирган профессор А.Х.Ҳайитметовдир¹¹. Олим ўз тадқиқотида Алишер Навоий адабий-танқидий қарашларини ўрганишда шоир дебочаларининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб

⁹ Boltabayev S. Ali Şir Nevâyî divanlarinin dibaceleri. –Ankara: Akçağ Yayinlari, 2022.

¹⁰ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Т.: Фан, 1959; Навоий лирикаси.– Т.: Ўзбекистон, 2015; Ҳамид Сулаймон. Ҳазойин ул-маоний матнларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари, Ҳазойин ул-маоний, 4 жилдлик, 1-жилд. – Т.: Фан, 1959; Шомухамедов Ш. Абдурахмон Жомий. – Т.: Фан, 1963; Шу муаллиф. Шомухамедов Ш., Мусаев Б. Амир Хусрав Дехлавий. – Т.: Фан, 1971. Б.Валихўжаев. XV-XIX асрлар ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан. СамДУ асарлари, янги серия, 138-чиқарилиши. –Самарқанд: 1964; Исҳоқов Ё. Навоийнинг илк лирикаси. – Т.: Фан, 1965; шу муаллиф: Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983; Солихова М. Навоий дебочаларида шоир биографиясига доир маълумотлар. // Адабий мерос, 1 жилд. – Т.: Фан, 1968; Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матба ижодий уйи, 2010; Абдуғафуров А. Рисолаи Хусайн Бойқаронинг яратилиш тарихидан. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 3-сон; шу муаллиф: “Бадоеъ ул-бидоя”нинг тузилиш санаси. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 4-сон; шу муаллиф: “Ҳазойин ул-маоний” жумбоқлари. Биринчи мақола. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1994, 1-сон; шу муаллиф: “Ҳазойин ул-маоний” жумбоқлари. Иккинчи мақола. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1994. 4-,5-,6-сон; шу муаллиф: Абдуғафуров А. “Ҳазойин ул-маоний” жумбоқлари. Учинчи мақола. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1998, 1-сон.; шу муаллиф: “Ҳазойин ул-маоний” жумбоқлари. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000, 5-сон; Зоҳидов В. Дебочанинг сири. // Ҳаётбахш бадийят тароналари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975; шу муаллиф: Яна бир дебочанинг шаҳодати. // Жаҳон бадийяти зарварақлари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980; Мусамухамедова П. Жизнь и творчество Факири. Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Ташкент, 1974; Ғанихўжаев Ф. Табибий. – Т.: Фан, 1978; Ғаниева С. Алишер Навоий ижодиёти ва наср проблемалари. // Ўзбек насри тарихидан. – Т.: Фан, 1982. Салоҳий Д. “Бадоеъ ул-бидоя” девони ва бадий санъаткорлик масалалари: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. – Тошкент, 1993; шу муаллиф. Навоийнинг шеърӣи услуби масалалари. – Т.: Фан, 2005; шу муаллиф: Навоийнинг девон такмили соҳасидаги яна бир маҳорати.// Ўзбек тили ва адабиёти, 2019, 1-сон; Жўраев Ҳ. Алишер Навоийнинг кексалик даври лирикаси: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1993. Сирожиддинов Ш.С. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари(киёсий-типологик, текстологик таҳлил): Филол. фан. докт. дисс. автореф. –Тошкент, 1998; Эшмонов Ғ. Мужрим-Обид адабий мероси. Филол. фан. ном...дисс. – Тошкент,2007; Деҳқонов А. Муҳаййирнинг ҳаёти ва ижоди: Филол.фан. номз.дисс. автореф. –Тошкент, 2007; Қобилова З.Б. Амририй ва унинг адабий фаолияти: Филол.фан. номз.дисс. –Тошкент, 2007; Қаюмов А. Асарлар. 10 жилдлик, 3-жилд. – Т.: Mumtoz soʻz, 2009; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг киёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Т.: Академнашр, 2011; Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). Ўқув қўлланма. – Т.: Тамаддун, 2016; Сирожиддинов Ш., Юсупова Д., Давлатов О. Навоийшунослик. Дарслик. – Т.: Тамаддун, 2018; Жўрабоев О. Мирзо Сиддик Фано ва унинг адабий мероси.// Ўзбек тили ва адабиёти, 2011, 2-сон; шу муаллиф: Навоий девончилиги ва Қўқон адабий муҳити. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015,1-сон; Жўраев Ж. Комёб ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тадқиқи. Филол. фан.бўйича фалс. докт.(PhD) дисс. автореф.–Тошкент, 2012; шу муаллиф: Комёб ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тадқиқи. – Т.: Мумтоз сўз, 2019; Давлатов О. Алишер Навоий шеърӣида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадий талқини: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. –Тошкент, 2017; Эргашев Қ. “Ҳазойин ул-маоний”нинг яратилиш тарихига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2020,1-сон; Шомуродова С. XX аср ўзбек адабиётида девончилик анъанаси: мавзу, таркиб, вазн ва бадий санъатлар. Филол. фан.бўйича фалс. докт.(PhD) дисс. автореф. –Самарқанд, 2022. Имомназаров М. Мусулмон минтақа маданияти ривожидида мажоз тарихи. Хусрав Дехлавий. 2-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2023;

¹¹ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Т.: Фан, 1959; шу муаллиф: Навоийнинг форсий мактублари. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974, 1-сон. – Б.9-12; шу муаллиф: “Ҳазойин ул-маоний” такмили ва Хусайн Бойқаро. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1998, 1-сон. –Б.9-13; шу муаллиф: Алишер Навоий ижодида мавзуларга бўлиш ва танлаш принциплари. //Навоийга армуғон. – Т.: 2003. – Б. 8-12.

беради. Хусусан, Навоийнинг устозлари ва замондош шоирларга бўлган муносабатини кузатишда, шоир ғазалларининг поэтик хусусиятларини белгилашда дебочалардаги маълумотлар ниҳоятда муҳимдир. Адабиётшуноснинг тадқиқотларида Алишер Навоий таржимаи ҳоли ва девонларининг яратилиш жараёнлари, Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари, шоирнинг бадиий маҳорати каби масалалар таҳлил қилинган.

Таниқли матншунос ва манбашунос Ҳамид Сулаймон “Ҳазойин ул-маоний” матнларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари”¹² тадқиқотида тўпламнинг яратилиши, тузилиши ва ундаги девонларнинг номланиши, улуғ шоирнинг таржимаи ҳолини чуқурроқ ўрганишда дебочадаги маълумотлар муҳим аҳамият касб этишига тўхталган. Навоийшунос, филология фанлари номзоди Ё.Исҳоқовнинг Навоий шеърини ва унинг поэтикаси устида олиб борган кўп йиллик изланишлари эътиборга моликдир¹³. Олим “Навоийнинг илк лирикаси” тадқиқотида шоирнинг форс-тожик адабиётидаги анъаналарга муносабати ва ғазалчилик соҳасидаги янгилиги масаласини ўрганишда дебочалар муҳим манбалардан бири эканлигини кўрсатиб берган. “Навоий поэтикаси” монографиясида эса шоир ғазалларининг ғояси, тузилиши, услуби, бадиияти – ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиниб, дебочаларга алоҳида эътибор қаратилган. Ё.Исҳоқовгача ўзбек ғазалчилиги масалалари билан шуғулланган олимлар девон дебочаларига у қадар аҳамият бермаган эдилар¹⁴. Олимнинг мазкур тадқиқоти шуниси билан ҳам диққатга сазовордир.

М.Солиҳованинг “Алишер Навоий девонларига ёзилган дебочаларда шоир биографиясига доир маълумотлар”¹⁵ мақоласида шоир ҳаёти, асарларининг ёзилиш тарихи, устозлари ҳақида маълумотларни ёритишда дебочаларнинг ўрни хусусида баҳс юритилган.

Алишер Навоий дебочаларини ўрганиш борасида академик В.Зоҳидовнинг хизматлари эътирофга лойиқ¹⁶. “Дебочанинг сири” мақоласида Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўртасидаги муносабатлар, айниқса, ҳукмдорнинг улуғ шоир ижодига муносабати “Ҳазойин ул-маоний” дебочаси асосида ҳаққоний ва холис баҳоланган. “Яна бир дебочанинг шаҳодати” мақоласида эса “Бадоеъ ул-бидоя” дебочасидаги маълумотларга таяниб, Навоий ва Ҳусайн Бойқаро мавзусига кенг ўрин берилган.

¹² Ҳамид Сулаймон. Ҳазойин ул-маоний матнларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари, Ҳазойин ул-маоний, 4 жилдлик, 1-жилд. – Т.: Фан, 1959. – Б.5-28.

¹³ Исҳоқов Ё. Навоийнинг илк лирикаси. – Т.: Фан, 1965; Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983.

¹⁴ Маллаев Н. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожидида Навоийнинг роли ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1961, 3-сон. – Б.13.

¹⁵ Солихова М. Навоий дебочаларида шоир биографиясига доир маълумотлар. // Адабий мерос, 1 жилд. – Т.: Фан, 1968. –Б94-95.

¹⁶ Зоҳидов В. Дебочанинг сири. Ҳаётбахш бадиият тароналари. – Т.: 1975. – Б.119-136; Яна бир дебочанинг шаҳодати. // Жаҳон бадиияти зар варақлари. – Т.: 1980. – Б.282-298.

Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор С.Ғаниева “Алишер Навоий ижодиёти ва наср проблемалари”¹⁷ тадқиқотида улуғ шоирнинг 13 номдаги турли насрий асарлари ҳақида фикр юритиб, улар қаторида девонларга ёзилган дебочаларни ҳам санаб кўрсатади. Ишда “Бадоеъ ул-бидоя” ва “Хазойин ул-маоний” дебочаларининг мазмуни, бадиияти, уларнинг “ўша давр насрининг ёрқин намунаси”¹⁸ эканлиги ўрганилган.

Алишер Навоий дебочалари шоир ижодининг муаммоли жиҳатларини ҳал этишда муҳим манба эканлигига профессор А.Абдуғафуровнинг изланишларида махсус эътибор берилган.¹⁹ Олим дастлаб “Бадоеъ ул-бидоя” дебочаси Хусайн Бойқаро рисоласининг ёзилган вақтини аниқлашда аҳамият касб этиши хусусида фикр юритган. “Бадоеъ ул-бидоя”нинг тузилиш санаси” мақоласида девоннинг тартиб берилиш йиллари дебочага асосланиб ойдинлаштирилган. Олим “Хазойин ул-маоний” тўпламининг яратилиш тарихи ҳақида ҳам бир нечта мақолалар эълон қилган²⁰.

Адабиётшунос Л.Серикова томонидан “Хазойин ул-маоний” дебочасининг рус тилига таржима қилиниши эътиборлидир²¹. Олима “таржимонлардан буюк мутафаккир асарларининг фақат тўлиқ таржимасини талаб қилиш” зарурлигини таъкидлаган²² ва “Хазойин ул-маоний” дебочасини муфассал таржима қилган.

Ш.Шомухамедов ва Б.Мусаевлар Хусрав Дехлавий девонларига ёзилган дебочаларнинг шоир ҳаёт йўли, ижодини ўрганишдаги аҳамиятига эътибор қаратганлар²³.

Сўнгги йилларда ҳам Шарқ адабиётининг мумтоз вакиллари, жумладан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини янги талқинларда ўрганишга эътибор кучаймоқда. Хусусан, Ш.Сирожиддинов, Н.Жабборов, Д.Юсупова, Қ.Эргашев, О.Жўрабоевларнинг тадқиқот ва мақолаларида шоир таржимаи ҳоли ва фаолияти, адабий мероси, ижодий лабораторияси манбалар, жумладан, девон дебочалари асосида тадқиқ этилиши билан аҳамиятли²⁴. М.Имомназаров

¹⁷ Ғаниева С. Алишер Навоий ижодиёти ва наср проблемалари. // Ўзбек насри тарихидан . – Т.: Фан, 1982. – Б.36-59.

¹⁸ Ўша асар. – Б.58.

¹⁹ Абдуғафуров А. “Рисолаи Хусайн Бойқаро”нинг яратилиш тарихидан. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 3-сон. – Б.15-18; “Бадоеъ ул-бидоя”нинг тузилиш санаси. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 4-сон.-Б.3-12.

²⁰ Абдуғафуров А. “Хазойин ул-маоний” жумбоқлари. Биринчи мақола. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1994, 1-сон. – Б. 3-10; шу муаллиф: “Хазойин ул-маоний” жумбоқлари. Иккинчи мақола. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1994, 4-, 5-, 6-сон. –Б.9-16; шу муаллиф: “Хазойин ул-маоний” жумбоқлари. Учинчи мақола. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1998, 1-сон. –Б.3-10; шу муаллиф: “Хазойин ул-маоний” жумбоқлари. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000, 5-сон. – Б.3-11.

²¹ Серикова Л. Предисловие к «Сокровищнице мыслей» Алишера Наваи. // Адабий мерос, Фан, 1984, 1-сон. – Б.15-21; 2-сон. –Б54-59.

²² Серикова Л. Алишер Навоий асарларининг рус тилига таржимаси. // Адабий мерос, Фан, 1980, 2-сон. – Б.78.

²³ Шомухамедов Ш., Мусаев Б. Амир Хусрав Дехлавий. – Т.: Фан, 1971.

²⁴ Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили. – Т.: Академнашр, 2011; Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). Ўқув

тадқиқотлари Алишер Навоий ва Хусрав Деҳлавийларнинг ҳаёти ва ижодий меросини ўрганишга ўзига хос тарзда ёндошилганлиги, таҳлиллар жараёнида жуда кўп тарихий, илмий ва адабий манбалар, хусусан, дебочалардаги маълумотларга таянилганлиги билан диққатга сазовор²⁵.

Форс-тожик адабиётининг Ҳаким Санойӣ, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, озар шоири Муҳаммад Фузулий, ўзбек шеърятининг Алишер Навоий, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳий, Моҳларойим Нодира, Амирий, Табибий, Фақирӣ, Муҳсиний, Мужрим-Обид, Фано, Муҳаййир каби ўнлаб вакиллари ўз девонларига дебоча битганлар. Дебочалар мазкур шоирлар ҳаёти ва ижодини ўрганишда, уларнинг адабиёт тарихида тутган ўрнини белгилашда долзарблик касб этади.

қўлланма. – Т.: Тамаддун, 2016 .Сирожиддинов Ш., Юсупова Д., Давлатов О. Навоийшунослик. Дарслик. – Т.: Тамаддун, 2018; Эргашев Қ. “Хазойин ул-маоний”нинг яратилиш тарихига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2020,1-сон. –Б. 32-39; Жабборов Н. Маоний аҳлининг соҳибқирони. – Т.: Адабиёт, 2022; Жўрабоев О. Мирзо Сиддиқ Фано ва унинг адабий мероси.// Ўзбек тили ва адабиёти, 2011, 2-сон; шу муаллиф: Навоий девончилиги ва Қўқон адабий муҳити. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015,1-сон; Давлатов О. Алишер Навоий шеърятда Қуръон оятлари ва ҳадислар. //Истиклол даври ўзбек навоийшунослиги. 30 жилдлик, 28-жилд. – Т.: Тамаддун, 2023. – Б. 7-106.

²⁵ . Имомназаров М. Муслмон минтақа маданияти ривожидида мажоз тариқи. Хусрав Деҳлавий. 1-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2023; Муслмон минтақа маданияти ривожидида мажоз тариқи. Алишер Навоий. 2-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2023;